

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 26 февраль, № 43 (8105)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 февраль кун Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигида доир қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари олий даражадаги мулоқотлар якунида эришилган келишилларни амалга оширишнинг боришини, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар со-

ҳалардаги ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш масалаларини кўриб чиқдилар. Халқаро ва минтақавий кун тартиби, шу жумладан, Украина атрофида юзага келаётган вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

## Муносабат

## МЎЙНОҚЛИКЛАР МАМЛАКАТ ВА ХАЛҚИМИЗ МЕҲРИНИ ҲИС ЭТМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи Мўйноқ туманидан бошланди. Мамлакатимиз раҳбари самолёти илк бор Мўйноқ аэропортига қўнди. Бундан беш йил олдин биз бунга тасаввур ҳам қилолмасдик.

Қорақалпоғистон нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун дунёнинг энг оғир экологик ҳудуди ҳисобланади. Орол фожияси аллақачон Марказий Осиё чегараларидан ўтиб, Шарқу Фарбада Ўз акс садосини бериб улгурди. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони, минг афсуски, Орол қуришидан энг кўп зиён кўрган мамлакат бу — Ўзбекистон, унинг энг оғир оқибатларини мардона қарши олганлар бу — матонатли, жасур қорақалпоқ халқи.

Қорақалпоғистон нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун дунёнинг энг оғир экологик ҳудуди ҳисобланади.

Президент қисқа давр ичида кўп марта қорақалпоқ заминига келиб, бу ердаги заҳматқаш халқ билан юзма-юз учрашди. Одамларнинг дарду ҳасратларини эшитди. Муаммоларга жойида ечим топиш механизмини яратди.

Мамлакатимиз раҳбари бутун давлат, бутун миллат қорақалпоқ эли билан биргаллигини, уларни ҳеч қачон қийин аҳволда қолдирмаслигини ўзининг амалий ишлари билан исботлади. Орол дарди, қорақалпоқ дарди бутун Ўзбекистон дардига, қисматига айланди.

Тўртинчи айтадиган, йиллар давомида емирилган, таназзулга юз тутган ишончли қайтаришнинг ўзи бўлгани йўқ. Бунинг учун давлат раҳбари ҳамма куч ва имконини ишга солди. Ҳукумат аъзолари йиллар давомида ҳудудга бўлиб, бир неча ўн йилларда тўплаган муаммоларни бартараф этишга сафарбар қилинди.

➔ 2

# «ЯШИЛ ЭНЕРГИЯ» ЙЎНАЛИШИДА «БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧ»

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида Орол денгизининг қуриши оқибатида вужудга келган экологик вазиятни юмшатиш ҳамда ҳудуд аҳолиси меҳнат қилиши ва яшаши учун муносиб шaroит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада ҳудудда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари тобора кенг қўл оч эсаётди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга амалга оширган навбатдаги ташрифи бу борадаги савий-ҳаракатларга янгича суръат беришга йўналтирилган галдаги муҳим воқеа бўлди. Буни хорижликлар ҳам эътироф этмоқда.

## Акк садо

Муҳаммад АБУНАЯН, Саудия Арабистони «ACWA Power» компанияси директори:

Компаниямиз иштирокида Беруний туманида барпо этиладиган шомол электр станцияси пойдеворида капсула қўйиш маросимига катнашганимдан фойда мамнунман. Аввало, ушбу лойиҳа бевосита Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан амалга оширилётганини таъкидлаш зарур. Қолаверса, у нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё энергетика тизимига катта янглишиллар олиб кириши билан аҳамиятга эришди. Лойиҳа юзасидан Европа тикланиш

ва тараққиёт банки техник кўмағида Эълон қилинган халқаро тендерда биз ҳам иштирок этиб, ғолиб бўлдик. Станция қурилишида минг нафар қорақалпоқ ёшлари иштирок этишини ва у ишга тушган 100 нафар маалакали муҳандис ва техник ходим даромади юқори доимий иш жойига эга бўлишини ҳам ҳисобга олсак, унинг аҳамияти чиндан ҳам катта эканлиги ойдинлашади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Лойиҳа доирасида 25 та шомол турбинаси ўрнатилди ҳамда 20 километр бўлган 220 киловатт қучланишли электр узатиш ҳаво линияси қурилади ва бу қувватлар мамлакат ягона энергетика тизими билан тўлиқ уланади.

Президент шу ҳақда тўхталаркан, зарур нарсаларни маҳаллийлаштириш масаласига ҳам ургу берди. Дарҳақиқат, бу худаям долзарб ма-

сала. Хусусан, «Тахиятош металл конструкция» заводидида таянч устунлар, «Нукус электр аппарат» корхонасида трансформатор ва электр техника жиҳозлари, бошқа корхоналарда кабел ва ўнлаб турли махсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини айтилди. Бу, албатта, фаолиятимизни кучайтиришда кўл келади. Ўзбекистон раҳбари экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб Эълон қилинган Оролбўйи минтақасида бошланган бу лойиҳа «яшил энергия» ишлаб чиқариш бўйича «биринчи қалдирғоч» эканини ва келгуси беш йилда бу ерда қуввати қариб 1 минг 800 мегаватт бўлган 3 та шомол электр станцияси ишга туширилишини маълум қилдики, бу биз учун ҳам айнаи муддаодир.

Мавриди келганда, компаниямиз ҳақида тўхтаемиз. Айнаи пайтда дунёнинг 13 та мамлакатидида фаолият юритилмоқда. Лекин илк бор фақат Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик доирасидаги лойиҳанинг жадал, ҳаққоний ва шаффоқлик билан рўёбга чиқарилаётганини кўриб турибмиз.

Биз 2,9 миллиард долларлик инвестиция билан кириб келяпмиз. Давлат раҳбари ва халқинингнинг самимиятини кўриб, ўзимизни худди ўз уйимиздагидек ҳис этапмиз.

## Юсуф Ал-УТАЙБИЙ, Саудия Арабистони Кириллинини Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Беруний туманида қуриладиган шомол электр станциясини бевосита Президент Шавкат Мирзиёевнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни Ўзбекистонга олиб киришга бўлган савий-ҳаракатлари самараси, деб биланман. Ва бу, ҳеч шубҳасиз, юртингиз учун катта манфаатлар олиб келади. Шу ўринда алоҳида айтиш лозимки, Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси оқилон ва пухта ишлаб чиқилганлиги билан ажралаб туради. Ва Тараққиёт стратегиясига алоҳида ургу беришимнинг ўз сабаблари бор.

Гап шундаки, Саудия Арабистони ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилганга 30 йилдан кўпроқ вақт бўлди. Стратегия ана шу алоқаларимизга янгича суръат бағишлайди, деб ҳисоблайман. Бунинг дастлабки самарасини шомол электр станцияси мисолида кўриб турибмиз.

Сир эмас, охириги йилларда давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқалар янги поғонага кўтарилди, ўзгача усулда ривожланиши бошланди. Биргалликда олиб бораётган ишларимиз халқаро миқёсда ҳам тан олинаётгани ва эътироф этилаётгани диққатга са-

# ШҲТ Ўзбекистон раислигида: ЮКСАЛАЁТГАН ШАРҚ САРИ ЙЎЛ

Россиянинг «Независимая газета»сида Стратегик баҳолаш ва прогнозлаш маркази бош директорининг ўринбосари, тарих фанлари доктори Игорь Панкратенков «ШҲТ Ўзбекистон раислигида: юксалаётган Шарқ сари йўли («ШОС под председательством Узбекистана: путь к восходящему Востоку») номли шарҳи эълон қилинди. Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раислигига бағишланган мазкур мақолани тўлиғича эътиборингизга ҳавола этамиз.

## НЕЗАВИСИМАЯ

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидида раислиги нафақат мазкур ташкилотнинг, балки улкан геосиёсий ва геоиқтисодий макон учун янги тараққиёт босқинининг бошланғичига тўғри келди. Халқаро муносабатлар бўйича барча мутахассисларнинг бунга ишончи қомил. ШҲТ ўзининг йилгирма йилдан кўпроқ даврдаги фаолияти давомида фақатгина халқаро йиғилишлар учун майдон вазифасини ўташ билан чекланмади, балки ўз ривожини йўлида сифат жиҳатидан сакрашга эришди. Ҳўш, у бу кўрсаткичга нима билан кириб келди? Тошкент ушбу бектор ташкилотдаги раислиги билан ўзига қандай сиёсий юкни олмоқда?

**Биринчидан**, бугун, замонавий халқаро муносабатлар тизимининг трансформацияси шароитида, ШҲТ геосиёсий тараққиётнинг муҳим марказларидан бири ҳисобланади.

**Иккинчидан**, у халқаро муносабатларга ўзаро ишонч, тинч-тотув яшаш, яши қўшничилик ва ўзаро ҳамкорликка, бир-бирининг ишчи ишларига аралашмасликка асосланган таомийларни татбиқ этувчи «Шанхай руҳи»ни киритди.

**Учинчидан**, ШҲТ ҳозирги кунда иқтисодий-иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим минтақаси саналади. Мазкур минтақа хом ашё ресурсларига бой тарихан ўтаб бўлган замонавий иқтисодий моделларга мўқобилдир.

**Тўртинчидан**, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти иқтисодий-сиёсий муаммоларни ечишда борган сари фаол роль ўйнамоқдаки, афгон инқирозини барқарорлаштириш билан боғлиқ масалалар ҳам шундан далолат беради.

Афтидан, истиқболда иқтисодий-сиёсий муаммоларни ечиш бўйича ҳозирда реал ишлаётган ташкилий тузилмалар билан бир қаторда, ШҲТнинг тезкор Мувофиқлаштирувчи маркази тузилади.

Айнаи пайтда ташкилот ўзини изоляция қиладиган блок йўналишида ривожланмаяпти, балки очик ҳисобланади, БМТ Устави ва умуман, халқаро

ҳуқуққа зид бўлмаган ўз таомийл ва кадриятлари асосида бошқа мамлакатларга ҳам қўллаш учун мана шундай очиклик тизимини тақдир этади.

Яқин вақтларгача ШҲТ Бош қотиби лавозимини эгаллаб келган (шу йилнинг январидан — Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари) Владимир Норов Шанхай сиёсий фанлар университетидида «ШҲТга 20 йил: ретроспектив ва келажаққа назар» мавзуда ўтказилган семинарда «ташкилот харбий-сиёсий салоҳияти, молиявий-иқтисодий қудрати ва иқтисодий-маданий аънаналари билан тўбдан фарқ қилувчи давлатларнинг барқарор ва қудратли бирлашмаси учун ўзига хос ҳолдаси бўлди», деб мухтасар ифода қилди. Бу таъсисчи давлатларнинг ўзаро манфаатлар ва ёндашувларга жавоб берадиган умумий қарашларни шакллантириш олганлиги, барча аъзо давлатларнинг тўлиқ ва сўзсиз тенглиги, бир-бирларининг манфаатларини ҳисобга олиш ва ўзаро ҳурмат, куч ишлатиш усулларидан воз кечиш ҳамда ҳукронлик қилиш даъволаридан холи принципларни қўра олганликлари тўғрисида алоҳида эътибор берилди.

Шу ўринда эътиборга молиқ ҳолатга дуч келамиз. «Шанхай руҳи» мазкур сиёсий катъийлик билан олиб бораётган Ўзбекистон ташқи сиёсий таомийлларида тўлиқ мос келади. Давлат раҳбари Шавкат Миромонович

## Биз ва жаҳон

Мирзиёев эса халқаро муносабатларда уларга ривож қилиниши зарурлигини муттасил такрорламоқда. Ўзбек дипломатияси бирин-кетин айнаи руҳ ва айнаи принциплар билан озиқлантирилган ташаббусларни илгари сурмоқда ва ҳар сафар улар тобора кўпроқ халқаро ҳамжамият томонидан қизгин қутиб олинмоқда.

Бирок ШҲТнинг барқарор ва изчил тараққиёти, афсуски, дунёда охиб бораётган можазолар, таҳдид ва қаҳриқлар шароитида ўтмоқда. 2022 йил ҳам бундан мустасно эмас. Шунинг учун Тошкент ҳозирданок ШҲТ тараққиётининг энг муҳим мавзуси: унинг маконидида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашни амалга оширишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу йўналиш ташкилот фаолиятида, сўзсиз, муҳим аҳамият касб этади. Таъбир жоиз бўлса, ўзига хос хусусиятларга эга.

Алоҳида қайд этиш керакики, ШҲТ Хартиясида қўшма муудофаага тааллуқли ҳеч қандай мажбуриятлар ёзилмаган. Ташкилот мулк ҳарбий блокка хос ҳеч қандай раамларга эга эмас. Шунга мувофиқ унинг ташкилий тузилмасида қандайдир жамоавий ёки муудофаа соҳасида мувофиқлаштирувчи тузилмалар мавжуд эмас.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДАГИ АҲАМИЯТИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор қонун лойиҳалари ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, атрофлича кўриб чиқилди.

Хусусан, «Волонтерлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинган.

Депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўрилган қонун лойиҳаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги «2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган «Йўл харитаси»нинг 27-бандига асосан ишлаб чиқилган.

➔ 2

## Давра суҳбати

## ТИББИЁТ ПСИХОЛОГИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Олий Мажлис Сенатидида «Ўзбекистонда тиббиёт психологиясининг долзарб муаммолари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Таъдбирда сенаторлар, ЮНИСЕФ ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ходимлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, эксперт гуруҳи аъзолари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида адолатли иқтисодий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш устувор йўналишлардан бири ўларок белгиланган. Янги аҳолининг физиологик ва руҳий саломатлигини таъминлашни тақомиллаштиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш соғлиқни сақлаш тизимининг энг асосий вазифалари сифатида илгари сурилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, иштирокчилар томонидан бу борадаги муаммолар ва истиқболдаги вазифалар, шунингдек, даволаш-профилактика муассасаларида тиббий психология ҳолати, олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш, бугунги кунда суицидларнинг сабаби, соҳани ривож-

лантиришда давлат бошқаруви роли ва бошқа масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ушбу навбатда, тиббий психологиянинг бирламчи тиббий ёрдамдаги ўрнини мустаҳкамлаш, илмий салоҳиятини ошириш, тизимда қузғайлаётган муаммоларни бартараф этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Зеро, тиббиёт психологиясини ривожлантиришнинг даврининг ўзи тақозо қилмоқда. Таъдбир иштирокчилари соҳа равнақи йўлида илгор хорижий тажрибани қўллаш ҳамда мавжуд имкониятлардан умумий фойдаланиш зарурлигига ҳам эътибор қаратди.

Яқунда тиббиёт психологиясини ривожига қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

➔ 2



зовор. Бундан кейин қатор йўналишларда ҳамкорлигимизни янада жадаллаштиришга ургу бермоқчимиз. Энергетика, туризм, савдо, тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги, молия ва бошқа йўналишлар ана шулар жумласидандир. «ACWA Power» мамлакатимизда энг катта нуфузга эга бўлган компаниялардан ҳисобланади. Мана шу компания бошланган лойиҳалар юртингизга хорижий инвестициялар, хусусан, Саудия Арабистони сармоясини олиб кириш учун катта эшик очишига ишонамиз. Зотан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига ҳам хорижий инвестицияларни олиб кириш масаласига кенг ургу берилган бўлиб, ана шу эзгу ишда кўмақдош эканлигимиздан мамнунмиз.

«Халқ сўзи».

# ШХТ Ўзбекистон раислигида: ЮКСАЛАЁТГАН ШАРҚ САРИ ЙЎЛ

Иккинчидан, Тошкентдан чегара худуд — Термиз шаҳрига олиб борувчи темир йўли давом эттириш. Яъни магистрални Афғонистоннинг Мозори-Шарифи ва Кобулдан Покистоннинг Пешоваригача давом эттириш режалаштирилмоқда. Бундай темир йўлнинг пайдо бўлиши Ўрта Осиё мамлакатлари Покистон ва Ҳиндистоннинг океанга олиб чиқувчи портларига чиқишни аниқлаштириши. Ушбу стратегик лойиҳа Тошкент томонидан Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги миттақаларо боғлиқлиқни кучайтириш бўйича концепциядаги муҳим элемент сифатида кўрилади.

Бу лойиҳаларга Ҳитойиникини қўшсак, боз устига, ШХТнинг бошқа аъзолари Афғонистонга таклифларини берса, Марказий Осиёдаги бош таҳдид ва хатарлар яқин келажақда тўлиғича ечилмас-да, кескин қайтадан ойналашади. Хусусан, расмий Тошкент муҳимлигига алоҳида эътиборни қаратган ички савдо орқали. Савдо тўсиқларининг барҳалф этилиши, техник регламентларнинг аниқлашуви, боғжона жараёнларининг рақамлаштирилиши, ШХТ санат кооперацияси дастурларининг қабул

қилиниши, транспорт ўзаро боғлиқлигининг ривожлантирилиши, хуллас, буларнинг барчаси транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш ҳамда "Шарқ — Ғарб" ва "Шимол — Жануб" транспорт йўлакларини тизимлари самарадорлигини ошириш имконини беради. Асосийси, булар ҳозирги геосийёси шароитларида стратегик хусусият касб этмоқда.

Афғонистондаги вазиятга ўз қарашларидан келиб чиқиб баҳо берган расмий Тошкент мутақо тўғри хулоса чиқарди: экстремизмнинг манбаси — қашшоқлик, эртанги кунга ишончининг йўқлиги ва социал лифларнинг берклиги ҳисобланади. Хитой, умуман олганда, бу муаммони барҳалф этди. Ўзбекистон уни Марказий Осиё кенгликларидан ечишни таклиф этмоқда. Мантқиқ оддий: бу ерга сармоа киритинг — бутун минтақа учун умумий самара оламиз.

Ушбу мураккаб, аммо Шанхай ҳамкорлик ташкилоти маконининг барқарор тараққиоти учун ўта ҳаётли масалалар ШХТ байроғи остида Афғонистон бўйича олиқ даражадаги учрашув доирасида ҳар томонлама муҳокама қилиниши кўтилмоқда, айни тадбир жо-

рий йилнинг ёзида Ўзбекистон раислигида ўтказилади.

Коронавирус пандемияси замонамизнинг яна бир муаммоси — биологик хавфсизликни кун тартибига чиқарди. Ҳозирги вақтда пандемиянинг тарқалиши тобора долзарб тус олмақда. Шу муносабат билан ШХТга аъзо давлатлар томонидан эпидемиологик ва биологик таҳдидлардан химояланишга йўналтирилган қўшма механизмларни ишлаб чиқиш масалалари ўрганилмоқда. Мазкур мавзу ҳам Ўзбекистоннинг раислиги йилида ташкилот кун тартибиданги долзарб масалалардан бири бўлиши мумкин.

Таъбир жоиз бўлса, давримиз фан, маданият ва таълим ривожини билан боғлиқ масалаларни асосий ўринга қўймоқда. ШХТда ўз маконидан чуқур илмий асосланган принципларда "бирликда фазоланлик сари" формуласи бўйича янги гуманитар муҳитни шакллантириш бўйича замонавий халқаро етакчилиги айланиши учун барча имкониятлар бор.

Қўпбал ШХТ сийёсатшуносларининг битикларида "сўниб бораётган Ғарб", "Америка орузсининг ботиши" каби

иборалар тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Бунинг фониди Шанхай ҳамкорлик ташкилоти замонавий халқаро тараққиётда янги етакчи куч сифатида "юксалаётган Шарқ"лигини намойиш этмоқда. Шак-шубҳа йўқки, Тошкентнинг ташкилотга раислиги бу етакчилигининг янада теран ва хавфсиз бўлишини таъминлайди.

Шу ўринда, яна бир нарсани тушуниш керак — Тошкент шунчаки ғояларни ўртага ташлаётгани йўқ, Бу жуда оддий — "барча яхши нарсаси барча ёмон нарсасига қарши" принциби ҳар қандай одам овоз бериши мумкин. Ўзбекистон эса ҳар бир таклифини аниқ баён этади: бундай қиламиз, оқибатда мана бунга эришамиз. Умуман, ўзбек дипломатияси жудаям конкрет, у ҳар бир кишига таклифларнинг фойдали томонларини тушунтириш беради, шунинг учун ҳам бизнинг беқарор давримизда бундай ташаббуслар оммавийлашиб, талаб ортиб бормоқда.

Тошкентнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотиди раислиги бунга исбот бўла олади.

# МЎЙНОҚЛИКЛАР МАМЛАКАТ ВА ХАЛҚИМИЗ МЕҲРИНИ ҲИС ЭТМОҚДА



Орол фожиясининг салбий бўҳронларига биринчи бўлиб дуч келган бу — мўйноқликлардир. Буни Президентимизнинг қуйидаги ҳақиқий фикрлари ҳам тасдиқлайди: **"Орол фожиясининг энг кўп зарар кўрган асли шу — мўйноқ аҳолиси. Уларнинг сабр-қаноати, ватанпарварлиги, меҳнатқашлиги учун раҳмат айтиши миз, шунга муносиб хизмат қилишимиз керак"**.

Мўйноқнинг Оролга туташ худудларида ҳаёт сўниб, тобора чанг-тўзон остида қолиб кетаётганлиги. Базан уйлаб қолардим, мўйноқда ҳаёт бормикан, ўзи? Бу ердаги корхона-ташкilotлар фаолиятини тутатган, аҳолининг кўчи кетиши ва қайтиши тобора тезлашиб бораётган эди-да...

Бош муаммо — мўйноқликлар кейинги ўттиз йил давомида истеъмолга яроқсиз сувни ичишга мажбур бўлаётган эди. Аҳоли шу муаммони ҳал этиб беришни сўради. Қисқа вақт ичида 101 километр узунликда кўвур ётқизилад, ичимлик суви етказиб берилади. Бунга салкам 30 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Ушбу иншоотнинг ишга туширилиши натижасида 1 суткада 7 минг куб метр сув узатиш ва 30 мингга яқин аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти яратилди. Шу тарихда мўйноқда ҳаёт қайтди. Одамлар интилиш ва изланиш уйғонди.

Бугунча эмас, "2017-2018 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси мўйноқ тумани иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорининг қабул қилиниши мўйноқликлар учун тарихий воқеа бўлди. Мўйноқ номи энди мамлакат миқёсида тез-тез тақдорлар, бу ерга инвестиция киритиш, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан катта лойиҳаларга тамал тоши қўйилди.

Юқорида номи зикр этилган қарорга асосан, мўйноқда 2017-2018 йилларда саноят, хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш йўналишларида умумий қиймати салкам 55 миллиард сўм, мулладан,

990 минг АҚШ долларига тенг лойиҳалар амалга оширилиши белгиланди. Бунинг натижасида минглаб иш ўринлари яратилиши ҳам кўзда тутилган эди.

Мамлакат етакчиси ташрифларидан бирида шундай дейди: **"Мўйноқдаги ўзгаришларни, сизларнинг кўзларингиздаги розиликни кўриб, жуда ҳурсандим. Бу — узоқ узоқ худудларга бориб, қилаётган ишларимиз натижаси. Агар қимдир бизнинг ислохотларимизга ишбу бўлса, мўйноққа келиб кўрин"**.

2018 йилда Хукуматнинг мўйноқ туманини комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурига кўра, 2019 — 2021 йилларда жами 1 триллион 485 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланди. Унга кўра, 800 ўринли амфитеатр, Давлат хизматлари маркази, маданият маркази, стадион, "Бўзатау" овул фуқаролар йиғинидаги оилавий поликлиника бутунлай янгидан бунёд этилди. "Мўйноқ порлоқ текст" МЧЖ томонидан тиқувчилик корхонаси ишга туширилиб, 350 та иш ўрни яратилди. Бугун бу ерда кўзни қувонтирадиган ишлар қилинмоқда. Кўп қаватли уйлар қурилади. Туманининг йўқолиб кетган инфраструктураси бутунлай янгидан барпо этилди. Бугун бу ерга келган одам юқорида бизни қийнаган савол "Мўйноқда ҳаёт борми ўзи?" деб эмас, аксинча, ҳаёт ўзини бори бўйи билан намоеён этаётганга, аҳолида эртанги кун учун кураш, яратиш, бунёд этиш туйғуси пайдо бўлганига гувоҳ бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясида нафрат Афғонистон, балки дунё учун хавф-хатар тўғдираётган масала ва муаммоларга жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратди. Орол фожияси ва унинг оқибатларидан бутун дунёни оголантирди.

2019 йил БМТ Бош Ассамблеяси "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди" деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюциясини қабул қилди. Бу Ўзбекистон раҳбарининг та-

Қорақалпоқ халқи, шу жумладан, мўйноқликлар бугун мамлакатимиз ва халқимиз меҳрини, эътиборини ўз ҳаётлари мисолига ҳис этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бу галги таширидан кейин худудга олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари янада жадаллашади. Пировадда Оролбўйи минтақаси, жумладан, мўйноқ янада кўркамлашади, аҳоли фаровонлиги юксалади. Зеро, барча саъй-ҳаракатдан қўзланган асосий мақсад ҳам аслида шундан иборат.

**Рустам ҚОЛМУРОДОВ,**  
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ректори, профессор,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

## Конференция

### Япония — МУҲИМ СТРАТЕГИК ҲАМКОРИМИЗ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиди **"Ўзбекистон — Япония: дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги ва стратегик ҳамкорликни кучайтиришнинг истиқболлари"** мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Гибрид шаклда уюштирилган халқаро тадбирда сенаторлар, тақши ишлар вазири ўринбосари, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси, Ўзбекистоннинг Япониядаги элчиси ҳамда икки мамлакатнинг олий таълим муассасалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги натижалари, стратегик ҳамкорлик истиқболлари кенг муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиди ректори Содиқ Сафоев конференцияни очар экан, Президентимизнинг 2019 йилда Кунчиқар юртга қилган тарихий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик учун янги уфқларни очиб берганини таъкидлаб ўтди.

Ўз навбатида, иштирокчилар Япония Ўзбекистон учун иқтисодийнинг турли соҳаларида энг илғор технологиялар ва тажрибага эга бўлган муҳим иқтисодий ҳамкор эканлигини, бунда давлат компанияларининг ишбилармонлик этикаси, махсулот сифатида бўлган юқори талаблари ва коррупцияни қабул қилмаслиги алоҳида аҳамиятга эгаллигига ургу берилди.

Шунингдек, 17 йил давомида Токио ва замонавий дунёнинг стратегик муҳим минтақаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик платформаси ҳисобланган "Марказий Осиё + Япония" мулоқоти ўзаро алоқаларининг муҳим механизми бўлиб хизмат қилаётгани, парламентлараро мулоқотни янада мустаҳкамлаш икки томонлама муносабатларни кучайтиришга қаратилгани алоҳида айтиб ўтилди.

Иштирокчилар томонидан "Ўзбекистон — Япония" парламентлараро форуми доирасидаги ҳамкорликка катта аҳамият қаратилиб, унинг навбатдаги мажлисини жорий йилда мамлакатимизда ўтказиш масаласини кўриб чиқиш таклифи билдирилди.

Конференцияда икки томонлама маданий-гуманитар алоқаларни, таълим соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш ҳамда 2022 йилда "Японияда Ўзбекистон йили"ни, "Ўзбекистонда Япония йили"ни ўтказиш масалалари бўйича ўзаро муштарак масалалар ҳам кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

## ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДАГИ АҲАМИЯТИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Қонун лойиҳаси "Волонтерлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунга "корпоратив волонтер", "корпоратив волонтерлик" ва "корпоратив волонтерликка жалб қиладиган иш берувчи" тушунчаларини асосий тушунчалар этиб белгилашни назарда тутди.

Шу билан бирга, волонтерлик фаолиятини амалга оширишга мажбурлашга йўл қўйилмаслигини, корпоратив волонтерлик фаолиятини волонтерлик фаолиятининг шаклидан бири сифатида белгилашни, волонтерлик фаолияти ташкилотчиси билан бирга иш берувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўрнатишни, иш берувчи томонидан корпоратив волонтерни рағбатлантириш шакллари кiritишни кўзда тутди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши корпоратив волонтерлик билан боғлиқ муносабатларнинг қонуний асосларини мустаҳкамлашга асос яратади. Мажлисда депутатлар лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди, ҳужжатни янада такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берди.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг, қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда қабул қилинди. \*\*\* Мажлисда "Ер муносабатларида тенглик ва шаффоқликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам атрофида таҳлилдан ўтказилди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги Фармони

билан ер ажратишининг очик ва шаффоқ тизими жорий этилиб, ҳужжатда белгиланган бошқача йўсинда ер ажратишни назарда тутувчи барча тартиблар, имтиёз ва истиснолар тўлиқ бекор қилинди.

Шундан келиб чиқиб, Фармоннинг 17-банди ижросини таъминлаш мақсадида ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. У билан 5 та кодекс, 22 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Хусусан, 10 та қонун ҳужжатидан ер участкалари мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланишга берилиши назарда тутилган қондалар чиқариляпти.

Шунингдек, 8 та қонун ҳужжатидан ерларни хусусий секторга тўғридан-тўғри ажратишни назарда тутувчи, 3 та қонун ҳужжатидан эса ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда компенсация тариқасида ер ажратилиши ҳақидаги қондалар чиқариб ташланмоқда.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали барча қонун ҳужжатларида ерга оид нормаларнинг ўзаро мувофиқлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ягоналиги, энг муҳими, ер участкаларини ажратишда шаффоқлик таъминланади. Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди. \*\*\*

Депутатлар "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар



Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқди.

Мазкур қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг "Автомобил транспортда йўловчилар ташкилоти фаолиятини тартибга солишни янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва "Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Унда йўловчиларни ҳамда уларнинг мол-мулкни тижорат асосида ҳайдовчида ташқари тўрттадан ортик бўлмаган ўриндиқка эга енгил автотранспортда ташқи бўйича хизматлар кўрсатаётган яқна тартибдаги тадбиркорлар томонидан йўловчилар ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига зарар етказганлик учун ўз фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилиниши қўзда тутилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш мақсадида депутатлар томонидан бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди ва ушбу ҳужжат биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

# ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Кейинги йилларда жойларга бориб, сайловчилар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш, одамларнинг талаб ва истакларини рўйбга чиқариш давлат сийёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Натижада узоқ йиллардан буйён одамларни қийнаб турган муаммолар ижобий ечим топа бошлади.

## Мулоқот

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Нигора Қутлимуратованинг Ҳазорасп туманидаги Шовот маҳалласи аҳолиси билан бўлиб ўтган учрашувлари ҳам фойдали мулоқотларга бой бўлди. Депутат дастлаб Президентимизнинг 2021 йил 3 декабрдаги тегишли қарорининг ижросини ўрганди. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқарттириш масалалари бўйича олиб борилаётган ишлар билан қизиқди.

Учрашувлар давомида халқ вакили шу маҳаллада яшовчи Лайло Матяқубованинг хонадонига бўлиб, янги ташкил қилинган иссиқхона фаолияти билан танишди.

Депутат тадбиркор билан дилдан суҳбат қилар экан, иссиқхона фаолиятини янада кенгайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш баробарида, хонадон соҳибасининг муаммолари билан ҳам қизиқди.

Ҳазорасп туманидаги Янгибозор маҳалласида жойлашган 47-умумий ўрта таълим мактабига бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида фуқаролар томонидан бир қатор муносабатлар кўтарилиди. Уларнинг салмоқли қисми шу ернинг ўзида ҳал этилган бўлса, айримлари депутат назоратига олинди.

**Аҳоли муаммоларига ечим изланди**

Парламент қўйи палатаси депутаты Шерзод Раҳмонов Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида бўлиб, аҳоли билан учрашувлар ўтказди.

Тумандаги "Тавариён" маҳалла фуқа-

ролар йиғини аҳолиси билан ўтган учрашува мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар, янги қабул қилинаётган қонунлар ҳақида маълумотлар берилди.

Сайловчилар билан юзма-юз мулоқотларда кўп йиллардан буйён аҳолини уйлантириб келаётган масалалар кўтарилди ва уларга ижобий ечим изланди. Жумладан, электр энергияси, йўл қурилиши, имтиёзлик кредит олиш, худудда трансформаторнинг етишмаслиги каби қатор муаммолар мутасаддилар иштирокида ҳал бўлди.

Депутат учрашувлари "Тавариён" МФИда яшовчи Нуриддин Умаров хонадонига давом этди.

Хонадон эгаси ихчам иссиқхона, паррандачилик ва хунармандчилик билан шуғулланиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган. Депутат маҳалла аҳолисининг келгусидаги режаларини тинглаб, уларга юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида кенгроқ маълумотлар берди.

## Оилавий поликлиника тўлиқ таъмирланади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Гулшана Худоеванинг Косон туманидаги "Юксалиш" МФИда бўлиб ўтган учрашувлари самимий, фойдали баҳс-мунозараларга бой кечди.

Учрашувлар давомида халқ вакили Президентимиз томонидан қабул қилинаётган Фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, Қонунчилик пала-

тасида муҳокамадан ўтаётган бир қатор янги қонун лойиҳаларини ҳақида йиғилганларга тушунчалар берди.

Ҳозирги кунда маҳаллада 1 минг 163 та хонадон бўлиб, 6 минг 200 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ишчилар 254 нафар, "аёллар дафтари"га қирган хотин-қизлар эса 135 нафарни ташкил этади.

Жорий йил "Обод қишлоқ" дастури доирасида ушбу маҳаллада бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўжаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Масалан, маҳалладаги 12 километр ички йўллар таъмирланиб, марказий йўлнинг 7 километрлик қисми асфальт қилинди, худуддаги таъмирланиш 5 километр ички йўللарга эса шағал ётқизиладди. Энг муҳими, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 15 километр янги сув қувурлари тортилган ҳолда, битта сув иншооти реконструкция қилинди.

Шунингдек, худуддаги ижтимоий соҳа объектларидан "Бўлмас" оилавий поликлиникаси тўлиқ реконструкция қилинса, "Юксалиш" маҳалла фуқаролар йиғини биноси мукамал таъмирланади.

Эътиборли томони, худудда электр тармоқларини яхшилаш учун 14 километр электр ваҳа линиялари таъмирланади, янги электр трансформаторлар, 136 дона электр таянч устуни ўрнатилади.

Аҳоли билан мулоқотлар чоғида "Юксалиш" МФИдаги ҳоким ёрдамчиси М. Холмуродов ҳамда ёшлар етакчиси С. Махманазаров сўзга чиқиб, 2022 йилда маҳаллада амалга ошириладиган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Учрашува фуқаролар томонидан кўтарилган масалаларнинг ақсарият қисми жойида ҳал қилинган бўлса, ечими узоқ вақт талаб этадиган муаммолар назоратга олинди.

## Қандай таклифлар илгари сурилди?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Баҳром Раҳмоновиёв Фаргона вилоятининг Олтиариқ туманида бўлиб, фуқаролар билан очик мулоқотлар ўтказди. Ана шундай тадбирлардан бири тумандаги 12-умумий ўрта таълим мактабига ташкил этилди. Унда "Шалона", "Гулобод", "Зилон" маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилаётган сайловчилар иштирок этди.

Депутат билан бирга тумандаги қорхона-ташкilotлар масъул ходимлари қатнашган сайёр қабулда янги кўчаларга табиий газ тармоғини тортиш, ички йўлларни асфальтлаш, электр тизимидаги узил-пилиларнинг олдини олиш ҳамда маънавий эскирган симёғочларни янгиларига алмаштириш каби мавжуд муаммоларни барҳалф этиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, "Гулобод" ва "Зилон" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегарасида янги мактаб биносини қуриш заруратида эътибор қаратилди. Халқ вакили сайловчиларига илгари сурилган бу таклиф юзасидан барча чорани кўришини таъкидлади.

Депутатнинг сайлов округидаги учрашувлари давом этмоқда.

## Ҳар бир масала — эътиборда

Қонунчилик палатаси депутати Жамшид Қосимов Қашқадарё вилоятининг Қамали туманидаги "Пахтаобод" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, аҳоли билан учрашди.

Очик мулоқотлар давомида фуқаролар томонидан бандлик, бизнесни бошлашга имтиёзли кредитлар олиш ва бошқа масалалар юзасидан қатор муносабатлар келиб тушди. Ҳар бир муносабат назоратга олинди, мутасаддиларга уларни ижобий ҳал этиш бўй

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ИБРОҲИМ ФАЙЗУЛЛАЕВ



Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳаси оғир жудликча ўради. Бутун ҳаёти ва меҳнат фаолиятини қишлоқ хўжалиги ривожига бағишлаган таниқли агроном ва ташкилотчи раҳбар, Ўзбекистон Қаҳрамони, меҳнат фахрийси Иброҳим Файзуллаев шу йил 25 февраль кунини 89 ёшида вафот этди.

И. Файзуллаев 1933 йил 25 августда Сурхондарё вилоятининг Денов туманида туғилди. Урта мактабни тугатиб, меҳнат фаолиятини 1949 йилда жамоа хўжалигида оддий ишчи сифатида бошлади. Кейинчалик Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини агроном мутахассислиги бўйича тамомлаб, Денов туманининг Собир Раҳимов номидаги жамоа хўжалигида энтомолог-агроном, бош агроном ҳамда хўжалик раиси, Сурхондарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош агрономи каби лавозимларда фидокорона меҳнат қилди.

Деҳқончилик соҳасининг сирларини чуқур эгаллаган, бой билим ва ҳаётий тажрибаси, бор куч-ғайратини эл-юрт ишига бағишлаган миришкор инсон умрининг охиригача ўз касбига содиқ қолиб, сунгги йилларида ҳам Денов туманида галла-уруғчилик хўжалиги бошлиғи лавозимида самарали ишлаб, кўпчиликка ибрат ва намуна бўлди.

И. Файзуллаев кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзини ер илмининг ҳақиқий билимдонини, замонавий агротехнологиялар ва хўжалик юретиш усулларини пухта эгаллаган ташкилотчи раҳбар, меҳнатсевар, камтарин ва ватанпарвар инсон сифатида намоён этиб, бутун мамлакатимизга танилди.

У республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга ўзининг ҳалол меҳнати, амалий ташаббуслари билан муносиб ҳисса қўшди. Хусусан, Денов туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожини таъминлаш, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, таълим, тиббиёт ва маданият масканлари қуриш ва обод қилиш, янги боғ ва хиёбонлар барпо этиш, ёшларни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда жонбошлик кўрсатди.

И. Файзуллаев мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати сифатида ҳам самарали фаолият олиб борди.

Иброҳим Файзуллаевнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги улкан хизматлари юксак даражада эътиборга эга бўлиб, у 1993 йили "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими" ҳамда 1996 йилда "Ўзбекистон Қаҳрамони" фахрий унвонлари билан тақдирланган эди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасининг улкан намояниси, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Иброҳим Файзуллаевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Т. БОБЛОВ

ЮРТИМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ДАДИЛ ҚАДАМЛАР ҚЎЙИЛГАН ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Шу йилнинг 23 февраль кунини Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институтининг 27 йиллиги муносабати билан халқаро конференция ўтказилди. Таъдбир Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлинмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Халқаро анжуман

"Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий кадрияти ва муҳим мезонидир" мавзусидаги ушбу таъдбирда кўплаб халқаро ва маҳаллий экспертлар, хорижий давлатлар омбудсманлари қатнашди.

Халқаро конференциядан қўзланган асосий мақсад — Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислохотларни жаҳон ҳамжамиятига етказиш, ёшларни, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий муҳофазалаш, улар ҳуқуқларини таъминлаш, Омбудсманнинг миллий превентив механизми доирасида жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори

муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Марказий Осиё учун минтақавий бўлинмаси раҳбари Ришард Коменда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Омбудсман институтини билан унинг мустақиллиги ва қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш ҳамда унинг Париж тамойилларига риоя этилиши бўйича фаол иш олиб бораётганини айтиб ўтди.

Таиланд қиролиги Бош омбудсмени Сомсак Сувансуджит ўз сўзида Ўзбекистондаги ислохотларни ижобий баҳолаб, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига халқаро таъдбирда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг барча йўналиши, жумладан, ёшлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва пенитенциар муассасаларда сақланаётганлар ҳуқуқларининг қамраб олинган учун миннатдорлик билдирди. Шунингдек, Таиландда Омбудсман институти, ўз навбатида, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб олганини қайд этди.

Россия Федерацияси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Татьяна Москалькова шундай деди: "Омбудсман институтининг йўлга қўйилиши мамлакатларда демократия ва фаол фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишдаги муҳим қадам саналади. Омбудсман демократик давлат органи ҳисобланиб, фуқароларнинг муҳофаазлари билан ишлайди. У ҳуқуқматга инсон ҳуқуқларини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича тўғридан-тўғри тавсия ҳуқуқлари бўйича вакилига қаратади йўл қўйилгани ҳамда уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиши мумкин.

Венгрия Республикасининг асосий ҳуқуқлари бўйича комиссари (омбудсман) Акос Кома унинг аппарати ногиронлиги бўлган учун зарур шарт-шароитларни яратиш жараёнида, жумладан, жамоат транспортидан фойдаланиш ва мамыурли муассасаларга кириш билан боғлиқ қулайликларни яратишда фаол иштирок этмоқда. У Венгрия Омбудсман аппаратининг имконияти чекланган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш борасидаги тажрибасини бўлишига тайёрлигини билдирди. "Имкониятлари чекланган фуқаролар хали ҳам муайян муаммоларга дуч келмоқда", деди Сербия Республикасидаги фуқаролар ҳимоячиси Зоран Пасалич. У бу борада давлат бошқарувининг ваколатли органлари билан ҳамкорликка, айниқса, фаёққолда вазиётларда жалб қилиш бўйича фаол иш олиб бораётганини қайд этди. Шунингдек, қонунчилик ва норматив ҳужжатларга аҳолининг заиф қатламларининг ҳуқуқларини таъминловчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши бўйича таклифлар бериш устида ҳам фаол ишлаётганини айтиб ўтди.

Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш муҳокамасига бағишланган учинчи ва якуний сессияда Марказий Осиё мамлакатларидаги инсон ҳуқуқлари бўйича вакилларнинг маърузалари тингланди.

Яқунда муҳожама қилинган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»)

МУРОЖААТЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА КЎРИБ ЧИҚИШ

одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайди

Бугун мамлакатимизда "Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуг" деган эзгу ғояни ҳаётга татбиқ этиш борасида тизимли ишлар олиб борилмақда. Олий Мажлис Сенати аъзолари томонидан ўтказилаётган сайёр қабуллар ҳам ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Сайёр қабул

Авалло, давлат органлари билан аҳоли ўртасида очиқ мулоқот йўлга қўйилгани, долзарб муаммолар аниқланаётгани ҳамда мурожаатлар қонун доирасида ва сифатли кўриб чиқилаётгани халқни

масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Фарход Бокиев томонидан қўрилган навбатдаги фуқаролар қабули мисолида ҳам бунини кўриш мумкин.

Таъдбирда Олий суд, Бош прокуратура, Махбурти ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги, Кадастр агентлиги ва киллари иштирок этди.

Беш соатдан кўпроқ давом этган қабул жараёнида фуқароларнинг 30 га яқин мурожаатлари кўриб чиқилди. Улар, асосан, уй-жой, суд қарорларидан норозилик, фирибгарликка оид, низоли ер

масалалари, маҳаллий ҳокимият органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят, алимент ундириш каби масалаларни ўз ичига олган.

Мулоқот давомида мuddат талаб қиладиган муаммоларнинг бартараф этилиши юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берилди. Қабулда кўриб чиқилган мурожаатлардаги масалалар ижроси устидан сенатор нозорати ўрнатилди.

«Халқ сўзи».

Ўрганиш

Маълумки, Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан шу йил январь-февраль ойларида Меҳрибонлик уйлари ва интернет шақлидаги бошқа муассасаларни ноинституционалаштириш юзасидан Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида олиб борилаётган ишлар ҳолати ўрганилган эди.

БОЛАЛАР МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИДА ЭМАС, ОИЛАЛАРДА ТАРБИЯЛАНАДИ

Кеча ушбу ўрганиш натижа-лари кўмитаси аъзолари, экспертлар, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари, ҳокимларнинг тегишли ўринбосарлари, маҳаллий Кенгашлар котибиятлари мудирилари, ёшлар бўйича доимий комиссиялар аъзолари, янги ташкил этилган болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари ва шуъбалари мудирилари ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари иштирокида кизгич муҳожама қилинди.

Қайд этилганидек, ўрганишда "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Қонун, Президентнинг "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва тегишли қарорлари, Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосарининг етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган болаларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш юзасидан ахбороти ҳақида"ги қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган 2019 — 2023 йилларда Меҳрибонлик уйлари ноинституционалаштириш дастури ижросига эътибор қаратилади.

Бу борада республикамиз бўйича бир қатор ишлар амалга оширилгани маълум қилинди. Хусусан, Меҳрибонлик уйлари ва болалар муассасаларидан охириги 6 ойда жами 1 минг 359 тарбияланувчи чиқарилган бўлиб, шундан 134 нафари ота-онасига қайтарилган, 141 нафари яқин қариндошларига ва 71 нафари бошқа шахсларга васийликка берилган, 83 нафари патронатга, 656 нафари оилавий болалар уйларига жойлаштирилган, 274 нафари ўйишга ва ишга йўналтирилган.

Айни пайтда жами 15 та муассаса, яъни 10 та Меҳрибонлик уй, 3 та болалар шахарчаси ва 2 та гулдаклар уйи фаолият тугатилган. Жумладан, Навоий ва Сурхондарё вилоятларидаги Меҳрибонлик уйлари фаолияти тўхтатилган.

Хозирда юртимизда 8 та Меҳрибонлик уйи 707 нафара болалар тарбияланмоқда. Жами 114 та оилавий болалар уйи фаолият олиб бораётган бўлиб, уларнинг 109 таси янги ташкил қилинган.

Ўз навбатида, мажлисда болаларнинг оила бағрида воғта етишини таъминлаш, Меҳрибонлик уйлари ва интернет шақлидаги бошқа муассасалар фаолиятини босқичма-босқич тугатиш бу йўналишдаги асосий мақсад эканлиги таъкидланди. Яқунда Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ўтказилган ўрганиш натижалари юзасидан Сенат кўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

халқимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган ерлардан палартиш фойдаланиш ёки талон-торож қилиниши каби ҳолатлар учрамоқда. Бу эса фуқароларимизда ушбу воқеликка нисбатан норозилик қайфияти уйғонишига, фермер ва деҳқонларнинг ўз касбига бўлган қизиқиши сўнишига сабаб бўлмоқда.

ЕРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Юқоридаги каби ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида қонунчилик ва бошқарув тизимига бир қатор тегишли ўзгаришлар киритилди. Минг афсуски, қўрилган чора-тадбирларга қарама-қарши осонгина даромад топиб, бойлик орттириш ниятида бўлган кимсалар маълум бир вазиётларда маъсулларнинг ёки фуқароларнинг ишончига кириш орқали ерларни, айниқса, ҳосилдор ерларни талон-торож қилишга уриниш ҳолатлари кун сайин ортиб бораётди.

Бу, аввало, ижтимоий тармоқларда энг кўп муҳокамаларга сабаб бўлаётган ҳудудларда ер қонунчилигига риоя қилмаслик, ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, жумладан, ноқонуний қуришлар қилиш, ерларнинг ўзбошимчилик билан эгаллаш каби жараёнларда аққол намоён бўляпти. Шу боис ҳам ердан унумли фойдаланишда рақамли технологияларни кенг қўриш ҳамда ваколатли идоралар ўртасида ҳамкорликни янада

кучайтириш ягона назорат тизими бўлиб қолмақда. Яқинда қабул қилинган "Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори бу борада натижадор тизимни йўлга қўйиш, ерлар, айниқса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар талон-торож қилинишининг олдини олиш, мазкур жараёнларга ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали соҳада рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Эндиликда ер участкаларини ажратилиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги муомаласига киритиш билан боғлиқ республика ва маҳаллий дастурларда белгиланган таъдирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ижро этилиши устида мунтазам назорат ўрнатилди. Яъни ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаш ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда

қўққубзарлик содир этган шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура алоҳида бошқарма, қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш юзасидан тезкор-қидирув фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаменти таркибига Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлими ташкил этилади.

Шунингдек, жараёнга жамоатчилик назорати тизими ҳам кенг татбиқ қилинади. Жумладан, 2022 йил 1 мартдан бошлаб аҳоли ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаш ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари бўйича Бош прокуратура ва Кадастр агентлигига юборилган фотосурат ва видеоёзувлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда маҳаллада таъдиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва кам-

бағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиларига ўз ҳудудига қурилиш бошланган ҳар қандай бино ёки ишоотларнинг қонунчилигини аниқлаш бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, қурилиш ва кадастр органларига сўров юбориш ҳуқуқи берилди. Бу биринчидан, ерлардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларига чек қўйса, иккинчидан, таъдиркорларимизнинг иқтисодий ресурслари мақсадли сарфланишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ҳар чоракда экин ерларидан оқилгина ва самарали фойдаланилиши, режадаги экинларнинг экилиши ва парваришланиши ҳолати ўрганилади. Натижада аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги тараққиётини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилади.

Кадастр агентлиги томонидан ер тоифасидан қатъи назар, барча турдаги ер участкалари ҳамда бино-ишоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлаш, ер участкаларининг ўзбошимчилик билан эгалланишига ва чегараларини ўзбошимчилик билан ўзгаришига йўл қўймаслик юзасидан давлат назорати ўрнатилиши эса турли хилдаги низолининг олди олинишига хизмат қилади.

Умуман, белгиланган чора-тадбирлар мамлакатимиз тараққиёти ва фуқароларимиз турмуш фаровонлигини таъминлашда серхосил заманимиздан самарали фойдаланиш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Дилрабо ХОЛБОВЕВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Замонавий жамиятда инсон фаолиятининг кенг тарқалган соҳаларидан бири — таълимдир. Охириги йилларда таълимнинг ижтимоий роли ортиб, аксарият давлатларда унинг барча турига бўлган муносабат ўзгарди. Бугун таълимга ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг бош, етакчи омили сифатида қаралаётди. Бундай эътиборнинг сабаби, бу замонавий жамиятнинг энг муҳим қадрияти ва асосий капитали — янги билимларни излаш, эгаллаш ва экстремал вазиётларда ностандарт қарорлар қабул қилишга қодир бўлган кадрлар ҳисобланади.

Мушоҳада

Шу боис юртимизда олий таълим тизимини тубдан ўзгариштириш, уни халқаро стандартларга интеграциялаш, меҳнат бозори талабига мос малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни Ренессанс ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни воғга етказиш мақсадида катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинган бунинг яққол мисолидир. Унда олий таълим тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг устувор йўналишлари, стратегик мақсадлари белгилаб берилди.

Жумладан, бу ҳужжатда олий таълим қадравини кенгайтириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш, илғор хорижий таъжриба асосида юқори малакали педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириб бориш ҳамда талабаларнинг ишлаб чиқариш, малакавий ва бошқа турдаги амалиётларини мазмунли ташкил этиш учун услубий базани ишлаб чиқиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Торлик ишлари, жумладан, олий педагог таълим муаммолари бўйича илмий-услубий ишлар олиб борилмақда. Илмий-педагогик ходимларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрловдан ўтказиш ишлари йўлга қўйилган.

Мақсадимиз рақобатбардош, малакали ва салоҳиятли кадрлар тайёрлаш, фан — таълим — ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни замон талабларига мос ҳолда ташкил этиш ва янада ривожлантиришдан иборатдир. Бу бўйича бир қатор савий-ҳаракатлар амалга оширилди. Натижа эса кин қисқартириш бўйича қатор вазиётлар кўрсатиб ўтилганлиги ҳам бу йўналишдаги ишлар доимий эътиборда эканлигини далолатлади.

Замон талабидан келиб чиқиб, бугунги кунда Жиззах давлат педагогика институтининг илмий таъдирот ишлари, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, бажарилаётган давлат илмий-техника дастурлари ва хўжалик шартномалари, иқтисодий талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш борасида тизимли ишлар олиб борилаётганини таъкидлаш зарур.

Бош мавзу "Ўзбекистон таълим тизимини технологиялаштиришнинг долзарб муаммолари" бўлиб, факультет ва кафедралик илмий мавзулари шу асосида ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда олий ўқув юртида фундаментал, илмий-амалий таъдиротлар ва бошқа назарий, таъжриба-конструк-

Бугунги кунда институтнинг 27 та мутахассислик кафедралари қошида илмий-таъдирот марказлари фаолият олиб бормоқда. "Педагогик STEAM-парк" амалий лаборатория мажмуаси ташкил этилди. Бу мажмуа базасида мутахассислар томонидан физика, математика, информатика, кимё, биология, технология, механика, электроника, робототехника ва техник ижодиёт ҳамда бошқа соҳаларда амалий-илмий таъдирот ишлари, шунингдек, таъдирот-конструкторлик, лойиҳа-қидирув, экспериментал-қузатув ва таъдирот қилишга оид фаолиятини таъминлашга қодир бўлган педагогларни тайёрлаш учун бакалаврият ва магистратура таълим дастурлари, тармоқ лаборатория-амалий модуллари ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, "Инкубация маркази" очилган бўлиб, бу орқали иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг инновацион ишланмаларини тоғдан таъдирот ишлаб чиқариш бошлангани ва тижоратлаштиришга бўлган жараёнлар қамраб олинади.

Умуман олганда, юртимиздаги бошқа олий ўқув юртларида бўлгани каби институтимизда ҳам узлуксиз таълим тизимини технологиялаштириш, фан ва ишлаб чиқариш тизимини интеграциялаш жараёнлари жадал олиб борилмақда. Ишонимки, бу савий-ҳаракатларимиз яқин вақт ичида ўзининг кутилган самараларини бера бошлайди.

Файрат ҚОДИРОВ,

Жиззах давлат педагогика институтининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори.

Фикр

Сунгги вақтларда юртимизда ерларни асраш, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилганлиги қарамасдан, хали-ҳамон жойларда ўз вазиёсига совуққонлик билан ёндашаётган маъсуллар сабаб

«Халқ сўзи».

# ТРАНСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИ

## ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОН ТОМИРИ



### Пандемия таъсири сезилмоқда

Айтиш жоиз, Хитой — Марказий Осиё йўналиши бўйлаб етказиб беришда пандемия оқибатида келиб чиққан логистик усиллишлар мамлакатларимизнинг кўплаб тармоқларини зарур ускуналар ва хом ашёсиз қолдирди. Бу ҳолат устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мудиатлари ва сифатида салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу муносабат билан юк оқимининг узлуксизлигини таъминлаш ва трансминтақавий логистика тармоқларини ривожлантириш учун тизимли чечимлар ишлаб чиқиш факултетада муҳим. Бу билан бир қаторда, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалий рўйбга чиқариш зарур. Президентимиз ушбу масалаларни тезкор ҳал қилиш мақсадида Марказий Осиё ва Хитой мамлакатлари ҳақида раҳбарларнинг ўринбосарлари даражасида Мувофиқлаштирувчи қўмита тузишни тақдир этди. Қирғизистон эса Хитой ҳукумати Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳасини амалга ошириш юзасидан барча ҳужжатларни тақдим қилди.



гунги кунда Марказий Осиё давлатлари транспорт-коммуникация тизимларини раванқ топшириши устувор вазифа сифатида кўрмоқда. Бу йўналишда бир қатор амалий ишлар бажарилди. Жумладан, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида ҳаво катнови ва Фалаба — Амузанг — Ҳушад темир йўли тикланди. Ўзбекистон ва Туркманистон сайъ-ҳаракатлари билан Амударё орқали ўтадиган Туркманобод — Фароб янги темир йўли ва автомобиль кўприкларини очилди. Ушбу кўприклар Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Умон транспорт-транзит йўналишининг муҳим бўлини ҳисобланади. Бу йўл юк ташини ҳажмини 2,5 баробар ошириш имконини берди. Амударё орқали ўтадиган кўприклар юк оқимларини Осиё ва Тинч океани минтақаси, Жанубий Осиё

логистика соҳасида бир қатор муаммолар мавжуд. Бугунги кунда денгиз портларига тўғридан-тўғри қиқшиш имконига эга бўлмаган минтақа давлатларининг транспорт-транзит ҳаракатлари сезиларли даражада катта бўлиб, улар экспорт қилинаётган маҳсулот қўйматиининг 70 — 80 фоизига етмоқда. Божхона тартиб-таомилларининг мукамал эмаслиги оқибатида юк ташувчилар товарларни етказиб беришга кетадиган вақтнинг 40 фоизига бўлган қисмини беҳуда йўқотмоқда.

### Фаоллашаётган сайъ-ҳаракатлар

Кейинги пайтларда минтақамиз мамлакатлари халқор транспорт борасидаги имкониятларини кенгайтиришга доир сайъ-ҳаракатларини фаоллаштирди. Бугунги кунда Марказий Осиё орқали қатор халқор транспорт йўлақлари ташкил этилмоқда. 2018 — 2023 йилларда Хитой ва Фарбий Европани боғлайдиган "Евроосиё" транспорт йўлини қуриш ва фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ушбу магистраль Пекиндан бошлаб Нур-Султон, Москва ва Минск орқали Берлинга қадар давом этади. Дастлабки ҳисоб-

Козогистон — Туркманистон — Эрон йўналишига келса, 2018 йил май ойда Хитойдан ушбу йўналишда контейнерли поезд юрди. Ушбу масофани босиб ўтишга 2 ҳафтага яқин вақт кетди. Бу — денгиз йўлига қараганда ўртача икки баробар тез дегани. 2023 йилга бориб темир йўл орқали юк ташини ҳажми йилга 15 миллион тоннани ташкил этиши кўтилмоқда.

"Шарқ — Фарб" лойиҳаси Хитой ва Европа ўртасида транспорт алоқасини тўғри қўйишга қаратилган. Боку — Тбилиси — Карс темир йўли ушбу транспорт йўлининг муҳим бўлинидир. Мазкур лойиҳа Туркия ва Европандан Марказий Осиё мамлакатлари, Хитой ва Эронга мунтазам юк ташини йўлга қўйишда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон ҳам ушбу лойиҳада иштирок этишдан манфаатдор. Президентимизнинг "2018 — 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташинининг ташкил савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, Боку — Тбилиси — Ахалкалаки — Карс темир йўли орқали ташкил савдо юкларининг ташкил этилиши таъминлашга қаратилган амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.



### Океанга энг яқин йўл

Жанубий Осиё географик жиҳатдан Марказий Осиёга ниҳоятда яқин. Масалан, Термиз шаҳридан Покистоннинг Карачи портигача атиги 660 километр йўл босиш kifоя. Бу, ҳатто, мамлакатимизда бир шаҳардан иккинчи шаҳаргача бўлган масофадан ҳам кам. Шу нуқтаи назардан, Покистон йўналиши Марказий Осиёдан Хинд океанига олиб боровчи энг қисқа йўл эканини қайд этиш жоиз.

Денгиз портларига қиқшиш ҳамда бу бўйича кулай транспорт коридорларини яратиш Ўзбекистон учун стратегик вазифа. Бусиз дунё билан савдо-сотиқ қилиш, миллий маҳсулотларнинг ҳамёнбоплигини таъминлаш, экспорт салоҳиятимизни ошириб, иқтисодий тараққиёт сари илдамлашимиз кўйин.

Умуман, яқин-яқингача Афғонистон ва Покистонга фақат таҳдид манбаи сифатида қараларди. Улардан имкон қадар узоқлашди, барча даражадаги алоқаларни формал тусда олиб бориш тенденцияси мавжуд эди. Бирок 2016 йилда Ўзбекистон бу масалага ёндашувида кескин ўзгартирди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан тарихда биринчи мартаба қўшни Афғонистон имкониятлар мамлакатини, деяр эътироф этила бошларди.

Авалроқ Хиндистон билан икки томонлама ҳамкорлигини кучайтирган Ўзбекистон Эроннинг Чобохор портигача қўзилган Мозори-Шариф — Ҳирот темир йўли қурилишидан манфаатдорлигини билдирганди. Эндиликда Покистон билан алоқаларини муваққат асосида мамлакатимиз яна бир йирик транспорт-логистика лойиҳаси — Пешоваарга олиб боровчи трансавдон темир йўли қурилишига бош қўймоқда. Чунки бунинг ортида, авваламбор, иқтисодий манфаат ётибди. Жанубий Осиё минтақаси билан яқинлашшимизнинг асл сабаби ҳам шунда.

### Масала ечимига қаратилган ташаббус

Мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев 2020 йил 23 сентябр кунин БМТ Бош Ассамблеяси 75-йўбилей сессиясида иштирок этди. Унда мамлакатимиз раҳбарлари бир қатор долзарб ташаббусларни билдирди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг БМТ шафелигида транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш бўйича Минтақавий марказини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси Марказий Осиё минтақасида бу борадаги ишларни жадаллаштириш ва ушбу йўналишдаги муаммоларнинг самарали ечимини топишга қаратилган. Бу

давлатларидан Каспий денгизи, ундан кейин Қора денгиз ва Ўрта Ер денгизи минтақаси, Европа, Кавказорти, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига тўғридан-тўғри олиб чиқиш имконини беради. Шунингдек, ушбу кўприклар Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Умон транспорт-транзит йўналишининг муҳим бўлини ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Козогистон ўртасида автобус йўналишлари, тезкор темир йўл алоқалари ишга туширилди. Қирғизистон билан Марказий Осиёдан илк бор тўғридан-тўғри Хитойга чиқадиган Тошкент — Андижон — Уш — Ирқештом — Қашқар автомобиль йўлига бўйича катнов йўлга қўйилди. Юқорида қайд этганимиз, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли лойиҳасининг амалга оширилиши лойиҳа иштирокчилари ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа барча давлатлари ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларини кенгайтириш имконини беради.

Таъкидлаш лозимки, 2019 йилда Хитой 2 триллион доллардан ортик қўйилган маҳсулотларни импорт қилди, бу, ШХТ мамлакатлари билан 100 миллиард долларни ташкил этди. Хитой 15 йил ичиди импортни 30 триллион долларга етказмоқчи. Товарларни Хитойдан Европага Марказий Осиё орқали ташини масофаси денгизга қараганда 2 баробар, Россия орқали ўтадиган транспорт йўлига бўйлаб эса 2,5 баробар кўчароқ.

Коллаверса, Марказий Осиё мамлакатлари Боку — Тбилиси — Карс транспорт коридори доирасида ҳам фаол иштирок этмоқда. 2020 йил бошидан Грузияга Ўзбекистон орқали юк ташини йўлга қўйилди. Ушбу йўналиш Туркия ва Европандан Марказий Осиё ҳамда Хитойга доимий равишда юк ташини йўлга қўйишга имкон беради. Умуман, Марказий Осиёни Каспий денгизига орқали Европа билан боғлаш юк ташини учун қисқа йўлни таъминлайди. Шу билан биргаликда, минтақда транспорт-

китобларга кўра, 2050 йилга бориб, ушбу йўлак орқали йилга 37 миллион йўловчи ташилади.

Яна бир лойиҳа — Фарбий Европа — Фарбий Хитой. Унинг Хитой — Козогистон қисми 2016 йилда иш бошлаган бўлиб, Европага етлувчи энг қисқа автомобиль йўли ҳисобланади, бу ерда юк ташини мудиати 10 — 12 кунни ташкил этади. Лойиҳа 2030 йилга қадар тўлиқ ишга туширилиши кўтилмоқда. Йўлак Санкт-Петербург — Москва — Оренбург — Октяб — Олмаота — Корғас орқали ўтади. 2017 йилда Афғонистон, Туркманистон, Озарбайжон, Грузия ва Туркия вакиллари "Локувард" транспорт йўлини яратиш тўғрисидаги келишувни имзолади. Унга мувофиқ, темир ва автомобиль йўллари орқали Торкунди шаҳри (Афғонистон) Ашхобод билан ва Каспий денгизидан Туркманистон бандаргоҳи билан боғланади. Сўнг йўлак Каспий денгизига орқали Бокуга, кейинчалик Тбилисига орқали Анкарага, йўл-йўлақай Поти ва Батуми портларида тармоқланиб, Анкарадан, Истанбул ва Карсга элтиди, шу тарика Европанинг транспорт тизимига уланади.

### Алоқалар ишонч ва дўстона муҳит асосида ривожланоқда

Сўнгги йилларда Марказий Осиёда ўзаро ишонч ва дўстона муҳит шароитида транспорт лойиҳаларини рўйбга чиқариш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистонни хорижий мамлакатларнинг, жумлан, Франкфурт, Милан, Брюссель, Вена, Сарагоса, Осло, Базель, Дубай, Техрон, Шанхай каби йирик логистика марказлари билан боғлайдиган "Навоий" халқор интермодаль логистика маркази фаолиятини жадал ривожланоқда.

2016 йил 22 июнь кунин Ангрн — Поп темир йўли очилди. Ушбу йўналиш Хитой — Марказий Осиё — Европа темир йўлининг муҳим бўлини сифатида Хитойдан Марказий Осиё ва Жанубий Осиё мамлакатларига энг қисқа йўл орқали қиқшиши таъминлайди ва Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг БМТ шафелигида транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш бўйича Минтақавий марказини ташкил этиш ташаббуси минтақда транспорт-коммуникациялар соҳасини раванқ топширишга ва қатор устувор режаларни рўйбга чиқаришга, жумладан, минтақда транспорт-логистика соҳасини умумий ривожлантириш бўйича дастурлар ва стратегик аҳамиятга эга ҳужжатларни қабул қилишга, тўсиқларни бартараф этиш ҳамда истиқболли транспорт йўлақларини шакллантириш бўйича ёндашувларини аниқ чора-тадбирлар асосида амалга оширишга йўналтирилган.

Коллаверса, Минтақавий марказнинг тузилиши давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиёда транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича илгари сурган қатор ташаббусларини амалга оширишга, жумладан, Марказий Осиёнинг минтақавий транспорт йўлақларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва шу асосда Марказий Осиё транспорт тизимини барқарор ўстириш бўйича минтақавий дастур қабул қилиш ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари транспорт коммуникациялари бўйича минтақавий кенашини шакллантиришга хизмат қилади.

**Одил АБДУРАХМОНОВ,**  
Тошкент давлат транспорт университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

# МУСИҚИЙ ТАЪЛИМНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШДА ЯНГИ ЎҚУВ ДАСТУРИГА ЭЪТИЁЖ КАТТА

Президентимизнинг 2022 йил 2 февралдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг муסיқий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг қалбида миллий маданиятга бўлган муҳаббатни шакллантириш, ёш истеъодларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди.

### Таҳлил ва таклиф

Хусусан, ушбу ҳужжатда юртимизда маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш бўйича кўплаб ишлар қаторида умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларга миллий муסיқа чолғуларидан камиди биттасида куй чалиш маҳорати ўргатилиши, бу ҳақда уларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжати (шаҳодатнома)га ёзиб қўйилиши қайд этилди.

сиқий иқтидори аниқланади, 6-синфда ўқувчилар муסיқа, ашула ва рақс (миллий, опера ва балет асарлари) ижрочилиги гуруҳларига бўлинади. Мазкур гуруҳлар билан болалар муסיқа ва санъат мактаблари мутахассислари иштирокида синфдан ташқари машғулотлар йўлга қўйилади. "Муסיқа маданияти" фани ўқитувчиларининг мунтазам равишда замонавий даражада малакаларини ошириб бориш таъминланади.



Эндиликда муסיқа фани учун ҳафтасига белгиланган бир ўқув соати ҳамда унга қўшимча равишда ҳар ҳафта миллий муסיқа чолғуларига куй чалиш амалий тўғрараклари ва факультатив дарслари ўтказилади. Бу каби чора-тадбирлар эртанинг эгаларининг санъатга ошно бўлиши, муסיқий билим ва маҳорати чархланиши, иқтидорини рўйбга чиқаришида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида муסיқа санъати болаларнинг ёш, жисмоний ҳамда эстетик имкониятларига мос равишда ўргатиб келинмоқда. Шунингдек, 5-синфдан болалар муסיқа ва санъат мактабларига жалб этилмоқда. Бунда муסיқа санъатининг имкониятларидан фойдаланиб ўқувчиларни маънавий ва эстетик жиҳатдан оқилана тарбиялаш назарда тутилган.

Айни пайтда, фикримизча, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим масканлари ҳамда болалар муסיқа ва санъат мактабларида таълим самарадорлигини янада ошириш учун янги, ягона ва типиклашган "Муסיқа маданияти" ўқув дастурини ишлаб чиқиш зарур.

Сўнгги йилларда юртимизда фаолият олиб бораётган дипломатик ходимлар мактабларини тинглаш бўйича кўникмага эга бўлиб келмоқда. Бунинг мақсади фестивал ва Самарқандда ўтказилган муסיқий анжуманларда кўп кузатимиз. Шу боис бизнинг ёшларимиз ҳам жаҳон санъати намуналари, жумладан, опера ва балет тўғрисида муайян тушунчаларга эга бўлиши лозим. Негаки, опера — тўлиқ сюжетли муסיқий асар, балет эса инсоннинг маънавий кечинмаларини ифодаловчи сахна кўрсатишидир. Марказий Осиё мамлакатлари ичиди Ўзбекистон опера ва балет санъатининг негизи сифатида доврқ қозонганлиги маълум. Масалан, Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқовнинг опера ва балет асарларидан ижролари Европа мамлакатларида ҳам кенг эътироф этилади. Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрини дунёдаги энг етакчи соҳа мутахассислари тан олади. Демак, бизнинг навбатдаги вазифамиз миллий опера ва балет асарларини яратишдан иборат. Бу борада жаҳуд маърифатпарварини Гулом Зафарийнинг таъриблиларини ўрганиш ва замонавий композицияларини янгилаш тақдирини мақсада мувофиқдир. Эътибор берилса, опера ва балет санъати янгилашнинг лозими бўлган "Муסיқа маданияти" ўқув дастурига киритилиши адолатдан бўлади.

Бундан ташқари, Президентимизнинг ҳар бир болага бирор чолғу созини чалишни ўргатиш гоёсини амалга оширишда бошланғич синф ўқувчиларидан бошлаб шуғулланиш мақсада мувофиқдир. Чунки муסיқа педагогларининг фикрича, бола 3 ва 4-синфларда чолғуларни росман фарқлаш ва уларнинг ижросига қизиқиш даражасида бўлади. Мисол учун, мазкур тоифадаги ўқувчи ўзи ёқтирган муסיқий асарни озгаки хирғоли қилиб юради. Шу жиҳатдан биз, педагогларнинг вазифамиз ўқувчининг аниқ шу лаёқатидан фойдаланиб, муסיқий қобилиятини инobatта олган ҳолда уни бирор чолғу ижрочилигига ўргатишдан иборат.

Давлатимиз раҳбарини томонидан барча соҳада селекция ишларини амалга ошириш вазифаси қўйилган. Муסיқа санъатида селекция муסיқий иқтидори бўлган ўқувчиларни танлаш ва тарбиялашни назарда тутди. Шу сабабли бизнинг ёндашувиимизга кўра, 5-синфдан муסיқа санъатида селекция ишларини бошлаш зарур. Бу яратилажак янги "Муסיқа маданияти" умумий ўрта таълим дастурида ўз ифодасини топиши керак. Унга кўра, 5-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг му-

Сўнгги йилларда юртимизда фаолият олиб бораётган дипломатик ходимлар мактабларини тинглаш бўйича кўникмага эга бўлиб келмоқда. Бунинг мақсади фестивал ва Самарқандда ўтказилган муסיқий анжуманларда кўп кузатимиз. Шу боис бизнинг ёшларимиз ҳам жаҳон санъати намуналари, жумладан, опера ва балет тўғрисида муайян тушунчаларга эга бўлиши лозим. Негаки, опера — тўлиқ сюжетли муסיқий асар, балет эса инсоннинг маънавий кечинмаларини ифодаловчи сахна кўрсатишидир. Марказий Осиё мамлакатлари ичиди Ўзбекистон опера ва балет санъатининг негизи сифатида доврқ қозонганлиги маълум. Масалан, Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқовнинг опера ва балет асарларидан ижролари Европа мамлакатларида ҳам кенг эътироф этилади. Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрини дунёдаги энг етакчи соҳа мутахассислари тан олади. Демак, бизнинг навбатдаги вазифамиз миллий опера ва балет асарларини яратишдан иборат. Бу борада жаҳуд маърифатпарварини Гулом Зафарийнинг таъриблиларини ўрганиш ва замонавий композицияларини янгилаш тақдирини мақсада мувофиқдир. Эътибор берилса, опера ва балет санъати янгилашнинг лозими бўлган "Муסיқа маданияти" ўқув дастурига киритилиши адолатдан бўлади.

Шундай қилиб, узлуксиз таълим тизимида ўқитилмайдиган "Муסיқа маданияти" ўқув фани дастурини янгилаш ва унда таъкидланган масалаларга эътибор бериш зарурийат бўлиб турибди. Асосий мақсад — мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида ёшларга мазкур фанининг энг муҳим асослари бўйича билим ҳамда кўникма бериши янада чуқурлаштиришдан иборат.

**Гофур АБДИКАМИВ,**  
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқув ишлари бўйича проректори вазифасини бажарувчи, PhD, доцент, Анвар ЛУТФУЛЛАЕВ,  
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети муסיқа маданияти факультети декани, профессор.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 248. 30 639 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-қўднинг телефонидаги орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайдан ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.  
Мусаҳҳач — С. Исломов.